

**АНЪАНАВИЙ ИЖРОЧИЛИК КАФЕДРАСИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА.**

**Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот
институти**

**Маданиятшунослик бўлими катта илмий ходими
Тожибоев Сардор Ўктам ўғли.**

Аннотатсия Ушбу мақола Ўзбекистонда "Анъанавий ижрочилик" кафедрасининг ташкил топиши, ривожланиши ва унинг ўзбек мусиқа санъати, хусусан, мақом, катта ашула, халқ ва бастакорлар ижодига қўшган ҳиссасини ёритади. Асарда Шарқ халқлари мусиқий мероси, қадимий рисолалар, мусиқа маданиятининг илмий-ўқув тизимига татбиқ этилиши, устоз-шогирд анъаналари, мақомчилик санъати ва ўқув-услубий жараёнлар билан боғлиқ жараёнлар атрофлича таҳлил этилган. Кафедранинг 50 йиллик фаолияти давомида етишиб чиққан мутахассислар, халқаро танловлар, илмий анжуманлар ва ижодий фаолиятлар мисолида унинг бугунги таълим тизимидаги ўрни намоён қилинган.

Калит сўзлар: Анъанавий ижрочилик, мақом санъати, Шарқ мусикаси, ТДК, мақом кафедраси, илмий-тадқиқот, ўзбек мусиқа маданияти.

Аннотация В статье рассматривается история создания и развития кафедры "Традиционное исполнительство" в Узбекистане, а также её вклад в развитие узбекского музыкального искусства, особенно в области макама, классических песен и народного творчества. Особое внимание уделяется исследованию музыкального наследия Востока, традициям "устоз-шогирд", внедрению теоретических знаний в образовательный процесс, а также подготовке профессиональных исполнителей и музыковедов. Показаны достижения кафедры за 50 лет, её роль в формировании научного, образовательного и художественного пространства.

Ключевые слова: традиционное исполнительство, искусство макама, восточная музыка, ТГК, кафедра макама, научные исследования, узбекская музыкальная культура.

Abstract This article explores the establishment and development of the "Traditional Performance" department in Uzbekistan and its significant contribution to Uzbek musical art, particularly in the fields of maqom, classical singing, and folk music. The study analyzes the musical heritage of Eastern nations, the master-apprentice tradition, integration of theoretical knowledge into music education, and the preparation of professional musicians and musicologists. The paper highlights the achievements of the department over 50 years and its role in shaping Uzbekistan's cultural and educational landscape.

Keywords: traditional performance, maqom art, Eastern music, Tashkent Conservatory, maqom department, research, Uzbek musical culture.

Тарихдан маълумки, ер юзида яшовчи барча халқларнинг ўз маданияти ва санъати, шунингдек, мусиқий маданияти мавжуд бўлиб, уларнинг маънавий бойлиги



хисобланган. Айниқса, Шарқ халқларининг мусиқий маданияти ҳар бир халқ миллий мусиқасининг асосини ташкил этган, назарий ва амалий ижрочилик мактабига эга бўлган. Шарқ халқларининг мусиқий бойлиги бўлган **мақом, муғом, навба, рага, кюи** сингари мусиқий ижрочиликнинг аниқ туркумлари турли даврларда турли кўриниш ва йўналишлар билан ижро этилиб келинган ва ривожланган.

Мақом туркумлари, “Шашмақом” ҳам ўзбек ва тожик халқларининг улкан мусиқий бойлиги ҳисобланиб, халқ бастакорлари ижоди натижасида шаклланган ва бойиб борган. Ҳозирга келиб, бу туркум ижроларининг аниқ шаклига, характериға ва анъанавий ижро услубларига тўлиқ эгамиз деб айта оламиз. Албатта, бунинг боиси, ўтган мақомдон ва бастакор устозларнинг бу борада қилган улкан ижодий меҳнатларининг натижасидир. Мақом ижролари мусиқий маданиятимизнинг асосини ташкил этганлиги сабабли бу мавзуга кўпроқ тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Шарқ халқлари мумтоз мусиқа санъати ва маданияти тарихи катта даврни ўз ичига олади. Қадимги шарқда мавжуд бўлган қадимги Миср подшолиги, олд Осиёдаги Шумер, Аккад, Бобил (Вавилония), Оссурия, Урарту, Хетт давлатлари, Эрон империяси, Ўрта Осиё, Хиндистон, Хитой, ва Жанубий Шарқий Осиёдаги давлат ва подшоликлар жаҳон маданияти тарихида ўчмас из қолдирдилар. Шарқ халқлари яшайдиган ҳудудда қуёш нурининг мўллиги, суви, тошқин дарёлари, серунум ерлари одамларни эрта деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишга ўргатди. Қадимги Шарқда санъат узок вақт хунармандчиликни бир қисми сифатида қолди. Эрамиздан аввалги 5000-4000 йиллардаёқ бу ерларда синфий жамият-қулдорлик жамияти шакллана бошлади ва бу жамият янги эранинг бошларигача давом этди. Қулдорлик жамияти санъатининг вазифаси эса кўпчиликни бошқарувчи синфга, эксплуататорлар ғоясини омма ичида тарғиб қилиш бўлиб қолди. Шарқ халқларининг реализми ҳам ўзига хос хусусиятга эга. У кўпинча воқелик, кишилар ва тушунчаларни фантастик образларда, рамзий ва шартли белгиларда тантанали, улугвор қилиб ифодалайди. Биз Шарқ санъатини ўрганганда алоҳида йирик



санъаткорлар ижоди тўғрисида тўхталмаймиз. Чунки санъат намуналари омма ичидан чиққан номаълум истеъдод эгалари томонидан яратилган.

Буюк Турон заминиди мусиқа маданияти ва ижрочилик санъатининг ривожланиши қадим замонларга боғланиб кетади. Буюк Шарқ алломалари *Муҳаммад Ал- Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад ал Фаргоний, Абу Али ибн Сино, Паҳлавон Маҳмуд, Умар Ҳайём, Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобур, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Паҳлавон Муҳаммад, Нажмиддин Кавкабий, Дарвиш Али Чангий* ва бошқа улуғ бобокалонларимиз ўзларининг рисолаларида ижрочилик санъати, мусиқа илми ва тарихи, чолғу созларининг тузилиши, ижровий услублари, санъаткорлик қонун-қоидаларига оид қимматли маълумотларни баён этиб кетганлар. Машҳур дидактик асар “Қобуснома”да ҳам ҳофизлик ва санъаткорликнинг қоидаларига бағишланган алоҳида боб ўрин олган.

Заминимизда ўтказилган тарихий қазилмалар натижасида топилган *сурнай, қонун, найга ўхшаш созлар*, тошларга ўйиб битилган созандаларнинг соз чалиб турганидаги тасвирлари, миниатура асарларидаги созанда ва ҳофизларнинг расмлари ўлкамизда ижрочилик санъати қадимдан ривожланиб келганлигидан далолат беради. Шарқ халқларининг мусиқий мероси бўлмиш *Мақом, Муғом, Дастгоҳ, Навба, Рага, Кюи* каби ижрочиликнинг мураккаб туркумлари авлоддан-авлодга оғзаки равишда ўтиб келган. Тарихий манбалар, билимдон устоз санъаткорларнинг фикри ҳамда илмий тадқиқотларга қараганда, XIII-XVII асрларда Ўрта Осиё, Хуросон ва Озарбайжон халқлари мусиқасида қуйидаги ўн икки (давозда) мақом мавжуд бўлган. Булар “*Ушшоқ*”, “*Наво*”, “*Бузалик*”, “*Рост*”, “*Ҳусайний*”, “*Ҳижоз*”, “*Роҳавий*”, “*Зангула*”, “*Ироқ*”, “*Исфакон*”, “*Зирофқанд*”, “*Бузург*”дир.

“Халқимиз, хусусан, ёшларимизнинг дунёқараши, маънавий савияси ва эстетик тарбиясини юксалтиришда ғоят муҳим ўрин ва аҳамиятга эга бўлган мусиқа санъатини, ҳар томонлама ривожлантириш, бой мусиқий меросимизни чуқур ўрганиш, ёш авлодни, миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг мумтоз намуналарига муҳаббат руҳида тарбиялаш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини



янада такомиллаштириш”, - дея, таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев[3.1]

Дарвоқе, XX-XXI асрлар кесимида, айникса, сўнгги йилларидан эътиборан, Ўзбекистоннинг ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй, бериб, ўзлгимизни англаш, миллий қадриятларни тиклаш, эъзозлаш ва риволантириш, бой, тарихимизга ҳолисона ва ҳаққоний баҳо бериш имкони юзага келди. Жаҳон цивилизатсиясига, салмоқли ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг улкан мероси тарихан янги шароитда, Янги Ўзбекистон давлатчилиги ва иқисодий тараққиётига муҳим омил бўлиб, халқимиз тафаккури бойишида маънавий таянчига айланди.

Янги Ўзбекистонда маънавий етук, жисмоний соғлом баркамол авлодни, тарбиялаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини рўёга чиқариш ва замон талабларига, тўла жавоб берадиган ҳар томонлама камолга етган шахсни етказиш учун зарурий шарт-шароитлар ва моддий имкониятлар яратилмоқда. Мамлакатимизда миллий мусиқа маданияти ва санъатимизни изчил ўрганиш; тарихий, маънавий-маърифий ва маданий-ахлоқий, қадриятларимизни атрофлича тадқиқ этиш учун шарт-шароитлар юзага келди.

Бадиий ижодиёт талқинида мусиқа санъати кенг қамровли ва кўп тармоқли, услубларга, бой, турли йўналишларда шаклланиб, ривож олиб келаётганлиги билан аҳамиятлидир. Зеро, унда, барча санъат омиллари *сўз, куй, айтим, ўйин, рақс, мулоқот, руҳият, мантиқ ва муносабат* борки, улар ижодиётнинг маҳорати ва салоҳиятини таъминлайди. Буларнинг ҳаммаси ўзбек, миллий мусиқаси (ижод ва ижро) намуналарида мужассамдир. Бизгача етиб келган маросим, қўшиқлари, мумтоз ашула йўллари, дostonлар, мақомлар, чолғу куйлари, бастакорлик, ижодиётининг ноёб маҳсуллари росмана мусиқа фольклори билан узвий боғланган ҳолда, шаклланиб, ривожланган ҳамда анъанавий ва замонавий услубларда ўзлаштирилмоқда. Айтиш мумкинки, биз бугун “Шашмақом” дея атаб, эъзозлаётган бой мумтоз мусиқамиз шаклланиши, такомиллашуви, умуман тараққиёти маълум ўрта аср даврларда, бошланган. Дастлаб, Ўн икки мақом (Дувоздаҳмақом),



кейинчалик эса “Шашмақом”, “Хоразм мақомлари”, “Фарғона-Тошкент мақом йўллари” туркум шакллардаги бу мероснинг, асоси ўзбек бастакорлари, етук созанда-ю-хонандалари томонидан бунёд этилган ва такомилига етказилган.

Йиллар ўша миллий музиканинг бир неча тушунчалари мавжуд болган *халқ музикаси, оғзаки музика-поетик ижоди, классик музикаси, музика мероси, оғзаки анъанадаги профессионал музикаси, фольклор музикаси, касбий музикаси, халқ-профессионал музикаси* ва, ҳ.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб “анъанавий музика” (ижод ва ижро), “мақомчилик, санъати” (тарих, назария, ижод ва ижро) иборалари илм, таълим ва амалиётда қўлланилиб келинмоқда. Айниқса, буларни олий музика таълими даргоҳининг ўқув жараёнига кириб, келиши ва риволаниши ушбу даврда Тошкент давлат консерваторияси қошида **“Шарқ музикаси”** кафедрасини ташкил этилиши ва унинг фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Бинобарин, ўзбек музикаси тарихи илм-фан сифатида консерваториянинг ўқув жараёнига XX асрнинг, 40-чи йилларида киритилган бўлса ҳам (Е.Романовская, Ф.Кароматов, А.Жабборовлар фан ўқитувчилари, Фахриддин Содиков, Рисқи Ражабий каби созандалар чолғу созлари ижрочилигидан ўқитувчи), лекин алоҳида кафедра **1972-йили очилди**. Бунга сабаб, биринчидан, 1971-йили Москвада Халқаро Музика Кенгашининг (ЮНЕСКО ИСМ) VII Конгресси бўлиб, ўтди ва унда Шарқ халқлари музика меросини сақлаш, уларни ўзлаштириш муаммолари, борасида жиддий мулоҳазалар қайд этилиб, айнан мутахассислик соҳаси бўйича санъатга, интилувчиларни тарбиялаш масаласи ҳам ўртага ташланди.

Иккинчидан, ушбу даврда, Ўзбекистон композиторлик ижодиётида жанрлар таркиби ва мавзулар доираси кенгайиб, сержило тус ола бошлади ва айнан симфоник музикасида янги услуб ҳамда қонуниятлар - ифода, воситалари сифатида (*миллий оҳанг, куй, шакл, усул, ижро анъаналари*) фойдаланиш; *анъанавий, ўзбек музикаси намуналари бўлмиш - чолғу куйлари, катта ашула, мумтоз ашула, йўллари, достон, мақомларни таъсирида муаллифлик асарлар (масалан, симфония жанрида),* юзага келади. (*Р.Ҳамраев, Т.Қурбонов, М.Тоғжиев, М.Маҳмудов,*



М.Бафоев ва б.). Шу, боис ёш ижодкорлар учун уларга фаол мурожаат этиш мақсадида, анъанавий ўзбек, мусиқасини ўрганиш (сақланаётган фолклор ва мумтоз мусиқа намуналарини ёзиб олиш), ўзлаштириш (илмий ва амалий) ва бу йўлда миллийликка хос асарлар яратиш кузатилган., Ўзбек композиторлик мактабининг ушбу ривожланиш йўли айнан анъанавий мусиқани, тикланишига сабаб - десак бўлади.

Учинчидан, ўрта аср мусиқа тарихига оид қўлёзмаларини амалга ошириш, оммалаштириш мақсадида, уларни илмий ўрганиш ва тадқиқ этиш учун юқори малакали, кадрлар-мусиқашуносларни тайёрлаш устувор йўналиш сифатида устувор муаммо ечими, деб қаралган. Бу йўлда **Санъатшунослик институтининг Исҳоқ Ражабов раҳбарлигидаги, “Ўзбек мусиқаси тарихи” бўлими** фаолияти назарда олинган.

Ўрта аср олимларнинг **“Муסיқий, рисолаларни”** тадқиқ этиш мақсадида илмий ходимликка араб, форс, урду тилларини билувчилари жалб этилган. Ҳолбуки, сектор тажрибаси ва фаолияти янги йўналишдаги мусиқашуносларни, эркин, равишда бирорта шарқий “илмий” тилни мукаммал эгаллаган ва **“муסיқий шарқшунослиги”**, мутахассислиги бўйича фикр юритувчи талабаларни тайёрлаш масаласини очиб берди.

Тўртинчидан, 1975-йили Тошкентда илк бор Шарқ мақомоти (мақом санъати) бўйича, “Мақомлар, муғомлар ва замонавий композиторлик ижодиёти” мавзусида Бутуниттифоқ, илмий анжуман ўтказилиб, унда ҳам мумтоз мусиқа санъатига илмий-назарий ва амалий, (ижод, таълим, ижро, тарғиб) йўналишларига кўпроқ ёндашиш, эътибор қаратиш масаласи ва бинобарин, анъанавий ижрочиликка назар солиш - юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш зарурияти кун тартиби деб баҳоланган. Анъанавий ижрочилик кўп йиллар давомида индивидуал тарзда фақатгина “устоз-шогирд” мактабларда ўзлаштирилиб келинган, уларни кенг оммалаштириш, иқтидорли ёшларни олий таълим тизими жараёнида ўқитиш ҳамда тарбиялаш мақсадида устозлик мақоми даражадаги етук санъаткорларни жалб этиш давр тақозаси талаби орқали мувофиқдир. Айнан, 1978-йили Самарқанда Халқаро



мусиқашунослик симпозиуми ва анъанавий мусиқа фестивали ўтказилиши **“анъанавий мусиқа”** иборасини оммалаштирди.

1972-йили биринчи ярмида Тошкент давлат консерваторияси ректори - Мухтор Ашрафий номига Иттифок маданият вазирлигининг буйруғи келди, консерватория қошида янги кафедра очиш ҳамда унда шарқ мусиқаси билан боғлиқ мутахассисларни тайёрлаш, қисқа вақт ичида кафедранинг ўқув дастури, режаси, ўқув фанлари бўйича юқори малакали, профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш ва ушбу ўқув йилидан бошлаб талабаларни қабул қилиш вазифаларни амалга ошириш дея қўйилган. Шу боис Ф.Кароматов ташаббуси ва раҳбарлиги остида илк бор Тошкент давлат консерваторияси қошида **“Шарқ мусиқаси”** кафедраси очилади (1972, апрел; кафедранинг ташкил этилиши академик Юнус Ражабий ва Ўзбекистон композиторлари уюшмаси раиси А.Жабборовлар кўмаги билан ҳам боғлиқ). Ректор М.Ашрафий буйруғига оид Ф.Кароматов “Шарқ мусиқаси” кафедраси мудирини профессори; Р.Абдуллаев - кафедра қошидаги “Халқ мусиқаси кабинети” мудирини деб тайинланган. Кафедрани шаклланиши Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари мусиқа маданиятини ўрганиш учун тадқиқотчиларни ва анъанавий ижрочилиги бўйича хонанда ва созандаларни тарбиялашда янги йўналиш бўлди. Собиқ иттифок даврда илк ташкил топган ягона кафедранинг асосий мақсади ўрта аср олимлари рисолалари билан илмий-тадқиқот ҳамда амалий ишларни олиб борадиган мусиқашунос-шарқшунослар ҳамда анъанавий, ижрочилиги, айнан, мумтоз мусиқа санъати бўйича (мақом, катта ашула, чолғу йўллари), юқори малакали созанда ва хонандаларни тарбиялаш-айнан ноёб тарихий ва мусиқа меросимизни сақлаш, янги таълим тизими орқали ўзлаштириш, кенг оммага тақдим этиш, ҳамда жаҳон илм-фани ва маданиятига эътироф этишдир. “Фақатгина битта, давлатимиз бошқа, консерваторияларидан, - Тошкент консерваториясида **“Шарқ мусиқаси кафедраси очилди”** - таъкидлайди Мухтар Ашрафий ўзининг **“Мусиқа менинг ҳаётимда”** китобида. Бизнинг, илк бор олдимиздаги мақсад мусиқашунос-шарқшунослари ҳамда айтим услубидаги, анъанавий ижрочи ва созандаларни тайёрлаш. Ушбу кафедранинг иши истикболли, жуда, қизиқарли ва шубҳасиз, жуда



оммавийдир. Келажакда шарқ тилларини ўзлаштирган ва шарқ, халқлари муסיқасини тадбиқ этувчи мутахассислар ва муסיқий анъаналари тарғиб гилувчи, чинакам ижрочиларни тарбиялаб етиштирмоқ, мақсадимиз”[5.169].

Тошкент консерваториясида **“Шарқ муסיқаси”** кафедраси очилиши маълум даражада, оламшумул воқеа бўлиб, муסיқашунос-шарқшунос (ўрта аср олимларнинг тарихий, меросини ўрганиш мақсадида) ва анъанавий ижрочилиги бўйича мутахассислар тайёрлаш масаласи хал этилди (шу боис янги илмий ва амалий ўқув фанлари ихтисослик (муסיқа санъати ва, анъанавий ижрочилик), манбашунослик, фолклор амалиёти, ноталаштириш, халқ ижоди, мақом асослари, анъанавий ўзбек муסיқаси, араб, форс ва урду тиллари киритилди). Кафедра фаолиятида фан докторлари Ф.Кароматов, И.Ражабов, муסיқашунослар А.Жаббаров, О.Матёкубов, Р. Абдуллаев, композитор Ш.Шаймардонова, забардаст устоз-санъаткорлар, миллий муסיқа жрочилиги маданиятида ўчмас ном олган - Фахриддин Содиқов, Ризқи Ражабий, Ориф, Алимахсумов, Маҳмуджон Муҳамедов, Тўйчи Иноғамов; созандалар Ҳ.Жалолов ва С.Тахалов; шарқ тиллари бўйича З.Орипов (араб), А.Аванесов (форс), З.Насруллаев (урду), жалб этилган¹⁹. Кафедра қошида “Халқ муסיқаси” кабинети ҳам ташкил қилинган (фолклор, амалиётини ўтказиш, анъанавий муסיқа намуналарини тўплаш ва ёзиб олиш, сақлаш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш мақсадида). Талабалар орасида Марказий, Осиё республикалари ҳамда ҳорижий (АҚШ, Судан, Германия, лордания, Хитой, Полша, Чехия) давлатлари вакиллари эди. Илк талабалар орасида А.Жумаев, О.Малкеева, А.Низомов, А.Назаров, Р.Юнусов, Ш.Алиева, А.Абдурашидов, Ш.Мирзаев, Ў.Расулов, А.Ҳамидов, Р.Қосимов, А.Исмоилов, Т.Отабоев, А.Умаров ва б. - Ўзбекистон ва Марказий Осиё республикалари вакиллари, кейинчалик булар илмий даража (фан номзоди ва фан доктори)га ва фахрий унвонлар (Халқ артисти, Халқ ҳофизи, хизмат кўрсатган артист)га эга бўлишган олиму, санъаткорлар. Айнан, ушбу

¹⁹ Kafedraga turli yillar mobaynida rahbarlik qilishganlar orasida - Fayzulla Karomatov (Karomatli), Otanazar, Matyoqubov, Rovshan Yunusov, Soibjon Begmatov (1972-2017); gisga vagt ichida - Zokirion Oripov, Aziz Zokirov., Iroda Ganieva (2017-2019), 2019 yildan - san'atshunoslik fanlari falsafa doktori (PHD), dotsent Chinora Ergasheva, (ODK "O'zbek musiqasi tarixi") va 2020 yildan - san'atshunoslik fanlari falsafa doktori (PhD) Shaxida Berdixanova (Yu., Rajabiy nomidagi O'MMSI "O'zbek magomi tarixi va nazariyasi").



даврда консерваторияга ўз маърузалари билан йирик олимлар ҳам ташриф қилишган: Меди Баркашли ва Мустафо Пуртураб (Эрон), Лоурен Пиккин, (Англия), Нараяна Менон (Хиндистон), В.Виноградов, И.Земсовский, Н.Шахназарова, И. Еолян (Россия), Э.Аббасова, Н.Мамедов ва С.Алескеров (Озарбайжон), Р.Атаян ва Н.Тагмизян (Арманистон) ва б. Ф.Кароматов раҳбарлигида кафедра фаолияти жараёнида, етук мусикашунос ва санъаткорлар етишиб чикди, жумладан, хорижий мутахассислар, орасида Ангелика Юнг (Германия), Теодор Левин (АҚШ), Жеранска Коминек (Полша), Даррас Набил (лордания), Салахиддин Хассан (Судан) ва б. Дастлабки ютуқлари - Ф.Содиқов, раҳбарлигидаги талабалар мақом ансамбли Олма-Ота шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро мусиқа анжумани “Илк Осиё мамлакатлари мусиқа Минбари”да муваффақиятли чиқишлари, (1973); илк бор консерваторияда мақом ижрочилари танлови (Тошкент, 1983; кейинчалик, Халқаро миқёсида Юнус Ражабий номидаги, 1991) ўтказилиши; талабалар мақом ансамбли, томонидан “Шашмақом” нинг Мушкilot (чолғу бўлимлари) граммофон ёзувлари орқали, илк бор тўлиқ равишда нашр этилди. “Мақомлар, муғомлар ва замонавий композиторлик, ижодиёти” (Тошкент, 1975), Халқаро мусикашунослик симпозиуми ва анъанавий мусиқа, фестивали (Самарқанд, 1978, 1983, 1987) каби Халқаро анжуман ва концерт дастурларида, кафедра профессор-ўқитувчилари ва талаба-битирувчилари фаол қатнашиб, илмий ва амалий, салоҳиятлари намоён қилишган.

Яна бир тарихий манбага мурожаат қиладиган бўлсак, улуғ олим Мирзо Улуғбек Тарағайнинг “Рисола дар илми мусиқа” (Мусиқа илми ҳақида рисола) китобининг “Дар баёни дувоздаҳ мақом” (ўн икки мақом зикрида) бобида шундай фикрлар келтирилади: Хожа Абдулқодир ибн Адурахмон Мароғий, Хожа Сайфидин Абдулмўмин, Султон Увайс Жалоирийларнинг сўзларига қараганда, аввалда мақомлар еттита бўлган: “Мақоми рост”, “Мақоми Ушшоқ”, “Мақоми Наво”, “Мақоми Роҳо”, “Мақоми Ҳижоз”, “Мақоми Ироқ”, “Мақоми Ҳусайний”. Яна ушбу рисолада улуғ бобомиз Улуғбекнинг ўзи танбур ва ногорани жуда яхши чалганлигини, “Булужий”, “Шодиёна”, “Ахлоқий”, “Табризий”, “Усули равон”, “Усулий отлиғ” сингари куйларни ихтиро қилганлигини таъкидлаб ўтади.



Юқоридаги фикрларга суянган ҳолда, шундай хулоса қилиш мумкинки, тарихий шароитда янги ижро йўллари сайқалланган кўринишлари билан жилоланиб келган. Кейинчалик халқнинг этник жойлашиши, яшаш шароитлари, турмуш тарзига қараб уларнинг турлича маданий ривожланиш даврига асосланиб ҳар хил мақом йўллари ҳам ўз ўрнини топганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Натижада ХВИИИ асрга келиб Бухоронинг “Шашмақом” (Олти мақом)и: “Бузрук”, “Рост”, “Наво”, “Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Ироқ” мақомлари ўзининг наср ва мушкулот қисмлари билан ривожланган бўлса, Фарғонанинг “Чор мақом”и (Тўрт мақом), “Дугоҳ Хусайний”нинг еттита йўли, “Чоргоҳ”нинг олтита ижрочилик йўли, “Шаҳнози Гулёр”нинг олтита ижрочилик йўли ҳамда “Баёт” йўлларининг савти ва тароналари билан жилоланиб, ижро этиб келинган.

Хоразм мақомларида ҳам юқорида таъкидланган олти мақом ижросини алоҳида услубий ва ўзига хос йўналишини кузатиш мумкин. Бунда фақат кейинчалик еттинчи мақом сифатида чертим йўлидаги “Панжгоҳ” мақоми киритилган. Шунинг учун авлоддан-авлодга ўтиб келган бебаҳо мусиқий бойлиги саналмиш Бухоро, Хоразм, Фарғона, Тошкент мақомлари, бетакрор ашула ва катта ашулалар сингари дурдоналар бизга берилган улуғ неъмат сифатида ардоқланади.

“Баркамол авлод тарбиясида кафедра устозлари ўз шогирдларини, аввало ўзбек, мусиқа меросининг турли муаммолари кесимида ёндошишга. Қолаверса, шарқ халқлари, мусиқа маданияти, санъати намояндалари ва ижрочилик мезонлари. Ўтмишда яратилган, мусиқий рисолаларни органиш масалаларига йўналтириб келмоқдалар, - деб таъкидлайди, Соибжон Бегматов, 2009-2017 йиллари кафедра мудири. - Шарқ халқлари мусиқа меросини, ўрганиш эса, шу халқларнинг тилларини бевосита билишни талаб этгани боис, улар араб, ҳинд,, урду ва форс тилларини ўзлаштиришга катта эътибор қаратиб келмоқдалар”[6.31]. Кафедра ўзининг, шаклланиши ва ривожланиши жараёнида катта тарихий йўлни босиб отди; ушбу давр ичида кафедра асосида консерваторияда янги кафедра ва факултет очилди; унинг номи ўзгарди, аммо таълим, тарбия, илмий, маданий-маърифий ва амалий йўналишлари сақланган ҳолда, ривожланиши; унинг илмий салоҳиятини ўсиб



бориши - етук илмий-тадқиқот ва илмий-услубий, ишлари, илмий даража ва унвонларга сазоворлик; баркамол ёш авлод тарбиясига ва таълим, тизимининг барча жараён ва босқичлари учун дарслик, ўқув қўлланма ва адабиётлар, яратиш, илмий-ижодий, маданий-маърифий ва амалий-тарғиб йўналишларида; янги, истеъдодларни кашф этилиши, халқаро миқёсида (фестиваллар, илмий анжуманлар, танловлар), қатнашишда - умуман таълим тизими, ижод-ижро ва илм-фан тараққиётига кафедра муносиб, ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Кафедранинг 50 йиллик фаолияти давомида баркамол ёш авлод тарбиясига, касбий, таълим тизими ва илм-фан тараққиётига сезиларли ҳиссаларини қўшиб, халқаро миқёсида ҳам (Россия, Марказий Осиё, Европа ва Шарқ давлатлари) ўз ўрига эга бўлди. Анъанавий ижрочилик ривожининг турли жабҳалари да ўзларини, намоён этиб, шунга яраша эътироф этилганлари сир эмас. Булар моҳир созанда ҳамда хонандалардан Ф.Содиқов, Р.Ражабий, А.Ҳамидов, М.Тожибоев, Т.Алиматов, М.Йўлчиева, З.Суюнова, М.Дадабоева, Р.Қосимов, Қ.Самадов, Р.Самадов ва бошқалар ўзбек ва Марказий Осиё халқларининг анъанавий, ҳамда замонавий мусиқа меросини ўз ўз ижод ва ижрочилиги билан тарғиб этишдаги фаолиятлари ҳар томонлама, ибратлидир.

Анъанавий ижрочилик таълими самарадорлигини янада кенг ривожлантириш мақсадида таниқли санъаткорлар бўлмиш Фаттоҳхон Мамадалиев, Турғун Алиматов, Жўрабек Набиев, Саодат Қобулова; кафедранинг собиқ битирувчиларидан Шавкат Мирзаев, Рифатилла Қосимов, Абдурахим Ҳамидовлар ёш авлод хонанда ва созандаларни миллий руҳда тарбиялаш, ҳамда асрлар ўша бизнинг давримизгача оғзаки анъана яратилиб, сайқал топиб, ривож олиб, келаётган халқ, мумтоз ва бастакорлар ижодига мансуб мақом, катта ашула, мумтоз, ашула ва чолғу йўллари каби мусиқий дурдона асарларини ўрганиш, ўзлаштириш ва ижрочилик услуб-усуллардан сабоқ беришда ишга таклиф қилингаллар. Кейинчалик, Тошкент Давлат консерваториясида ушбу кафедра асосида учта, махсус *“Мусиқий шарқшунослиги” (мусиқашунослик йўналиши), “анъанавий хонанда” ва*



“анъанавий созанда” (анъанавий ижрочилик йўналиши) кафедралари фаолият олиб борди (1992).

Анъанавий ижрочилиги бўлимлари мусиқа мактаблари, академик лицейлари ва коллежларида ҳам очилган ва уларда кафедра битирувчилари фаоллик қилмоқдалар. 2017 йилдан, кафедранинг номи “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси”, анъанавий ижрочилиги бўйича, мутахассислар тайёрловчи факултет - “мақом факултети”га айланди. Қарийб 50 йиллик даврида, Ф.Кароматли ташаббуси ва иштирокида бир кафедранинг фаолияти йирик олий ўқув даргоҳи -, “Ўзбек миллий мусиқа санъати”га айланди²⁰.

Йиллар давомида кафедра қайси номда бўлмасин (ҳозирги кунда Ўзбекистон, Давлат консерваториясининг (ЎДК) “Анъанавий ижрочилик” кафедраси (Анъанавий хонандалик ҳамда созандалик бўйича бакалавриат) “Шарқ мусиқаси”, меросхўри ва анъана давомчиси; Юнус Ражабий номидаги ўзбек миллий мусиқа санъати, институтининг (ЎММСИ) “Мақом чолғу ижрочилиги” ҳамда “Мақом хонандалиги” кафедралари ҳам Анъанавий ижрочилик турлари (бакалавриат ва магистратура) бўйича фаолиятини, анъаналарга таянган ҳолда, **(И.Арабов, С.Азизбоев, Ш.Шораҳмедов, Р.Қосимов, А.Холтожиев, Қ.Самадов, Р.Самадов, М.Матёкубов, М.Зияева, И.Тошпўлатова, Н.Пирматова, М.Йўлчиева, М.Дадабоева, З.Суюнова, Э.Рўзиматовлар)** олиб бормоқда баркамол ёш авлод тарбиясига, анъанавий ижрочилик таълимини сезиларли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Чунончи, кафедранинг 50 йиллик фаолияти давомида ўзига хос анъаналар тараққий этилди бу анъаналар халқаро миқёсида ўз ўрига эга бўлишига улгурди. Анъанавий ижрочилик ривожининг турли жабҳаларида, кафедра профессор-ўқитувчилари ва талаба-битирувчилари ўзларини намоён этди.

Бугун камолга етаётган ва эртага келадиган навқирон авлод ўзбек миллий, мусиқа санъати ҳақида тўлиқ маълумот (тарихи, назарияси, амалиёти, ижод ва ижро)га эга, бўлишига консерваториянинг кафедралари, айниқса, “Анъанавий

²⁰XX асминг 80-чи йиларида Тошкент консерваториясида “Шарқ мусиқаси” кафедрасининг фаолияти Москва, консерваториясида “Осиё ва Африка мусиқа маданияти” ва Тожикистон мусиқали-педагогик институтида Шарқ мусиқаси, билан шуғулланувчи ўшаш кафедралар ташкил этилган.



ижрочилик” (ўтган асрда, “Шарқ мусикаси”) кафедраси фаолияти ибратли. Зеро, унинг илм-фанлари ўзбек анъанавий ва замонавий бадиий маданиятининг ҳамма соҳа ва ижод ҳамда ижро йўналишларини камраб олади. Ҳар бир талаба ёки ёш ўқитувчи кафедра фаолияти, унинг таълим ва тарбиялаш, илмий ва маданий-маърифий соҳасидан, шу боис унинг тарихий йўлларида хабардор, бўлмоғи лозим. Ўтган асминг 70-чи йилларига қадар ҳукм суриб келган мусиқа санъати тараққиётини “Шарқ мусикаси” кафедрасиз тасаввур этиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, анъанавий, ўзбек мусикаси тикланиши, унинг ижод ва ижро мусиқа намуналари илмий-назарий ва амалий асослари нуқтаи назарида олиб борилиши, нафақат етук мусикашунос-олимлари, балки етук касбий дипломларга эга бўлмаган, созанда ва хонандалар томонидан талабаларга оғзаки, ва ёзма анъаналарда мусиқий анъаналарни етказиш ёшлар қалбида миллий ғурур туйғусини уйғотади. Ўзбек миллий мусиқа санъатига асос солган “Шарқ мусикаси” кафедра (ҳозирги, кунда унинг меросхўри ва анъаналар давомчиси “ЎЗДК “Анъанавий ижрочилик” ва Ю.Ражабий номидаги ЎЗММСИ “Мақом чолғу ижрочилиги” ҳамда “Мақом хонандалиги” кафедралари)си, коп йиллик тажрибаси, ютуқлари, қўшган ҳиссаси ва ҳар бир профессор-ўқитувчи ҳамда, битирувчилар тўғрисида муайян тасаввурга бўлмоғи керак. Негаки, бундай таъсирчан кучга эга бўлган, тарбиявий аҳамияти билан инсониятнинг номоддий маданий мероси, дурдоналари сифатида тан олинган *“Бойсун маданий муҳити”, “Шашмақом мусикаси”, “Катта ашула”, “Наврўз”, “Аския”, “Лазги” ва “Бахшичилик санъати”* ва умуман, миллий мусиқа маданиятимиз дурдоналари одамларни яхшиликка, одобга, садоқат ва диёнатга, чақиради. Шу боис маънавий озуқа ва маданий омил сифатида мусиқа санъати ёшларни эътиборга олиб тарбиялашда, таълим тизими ушбу санъат воситаси орқали баркамол, комил, инсон ҳамда етук санъаткор бўлиб етишади деган умидда. Чунки, илм-фан ва санъат аҳли, кўп марта ўзбек халқининг миллий мусиқа мероси кенг қўламли маънавият кўзгуси, деб эътироф этган. Буюк Ҳофиз сўзи билан айтганда - “мусиқа бу ҳаёт, ҳаётни ўзи, мусикадир”.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А.Фитрат. Ўзбек классик музыкаси ва унинг тарихи. – Т., 1993
2. Исҳоқ Ражабов. Мақомлар масаласига доир, Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти, - Тошкент, 1963-йил
3. "Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари то 'Ғрисиди"., Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, ПҚ-3178-сонли. Тошкент. 2017 йил 8 август.
4. “Мумтоз мусиқанинг шарқона анъаналари: илм-фан ва таълим” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2022
5. Ўзбекистон миллий энтсиклопедияси, Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2004-йил
6. Ашрафи Мухтар. Музыка в моей жизни. Ташкент, 1975
7. Бегматов С.М. Эътирофга лойиқ... // Ижодий чў қилар сари интилиб. Тошкент, 2014
8. А.Жабборов. Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари. – Т., 2004
9. Т.Ғофурбеков. Сайланма (Бастакорлик ижодиёти тарихидан). – Т., 2009
10. Мусиқа ижодиёти масалалари. II тўплам. – Т., 1997
11. Мусиқа ижодиёти масалалари. III тўплам. – Т., 2001
12. А.Жабборов, С.Бегматов, М.Азамова. Ўзбек мусиқа тарихи (дарслик). – Т., 2018
13. Соибжон Бегматов. Бастакорлар ижоди. – Т., 2017.
14. Авазбек Маҳмудов. Андижон санъати фидойилари. – Т., 2018